БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 73

21 МАЙ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-нчи бет).

Француз жамоат арбоби Пьер Котга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотининг топширилиши (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. — Завод партия ташкилоти ва рационализаторлар (2-нчи бет).

УКРАИНАНИНГ РОССИЯ БЛАН ҚАЙТА ҚУШИЛИШИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. — **О. Апухтин.** — Украина рассомларининг асарлари Тошкент музейларида (2-нчи бет).

Шаҳар газеталари саҳифаларидан (2-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА.— **Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини пахтакор совхозлараро ўзаро текширишнинг якунлари тўғрисида** (3-нчи бет).

Т. Махмудов, О. Абдураҳмонов. — Мингектарчилар ҳаракати кучайтирилмоқда (3-нчи бет).

ОЧЕРК. **Усмон Жонгитов, Исмоил Сулаймонов.** — Нинанинг бахти (3-нчи бет).

Кеча мактабларда имтиҳонлар бошланди (4-нчи бет).

Жанва кенгаши теварагида (4-нчи бет).

Агитатор

Агитатор бўлиш энг муҳим ва шарафли ишдир. Чунки, агитатор кенг меҳнаткашлар оммасига партия ва ҳукуматимиз сиёсатини етказучи сиёсий алоқачидир. Партиямиз ва ҳукуматимизнинг халқ моддий ва маданий фаровонлигини ошириш тўғрисидаги сиёсатини тушунтириб беришдан фахрли иш бўлиши мумкинми? Замонамизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони бўлиб қолган, жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси жонажон Коммунистик партиямиз сиёсатини халқ оммасига етказишдан ҳам буюк иш бўлиши мумкинми? Агитатор меҳнаткашларга энг яқин, улар билан партия тилида, халқ тилида гаплашучи, партия бланхалқ ўртасидаги бирликни мустаҳкамлашда партия ва халқнинг кучли воситачисидир.

Ҳозирги вақтда бутун республикамизда, областимиз колхоз ва совхозларида ғўза парваришининг энг мас'улиятли даври бошланди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС ходимлари олдида ғўза парваришини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказишдек муҳим вазифалар турипти. Колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз олдиларида турган муҳим вазифаларни, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифаларини ҳартомонлама яхши тушунсё олсалар ва уларнинг ҳарбири ўз участкаларида ана шу вазифаларни бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилсалар коммунистик қурилишимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли бажараоламиз. Шундагина ғўза парваришини яхши ва сифатли ўтказиб, пахтадан мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратаоламиз. Олдимизда турган вазифаларнинг бениҳоя муҳим ва мас'улиятли эканлигини кенг меҳнаткашларга ҳартомонлама тушунтириб беришда уларни қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга сафарбар этишда агитаторларимизнинг роли ғоят каттадир. Бу ишни бажаришда агитаторлар катта куч бўлиб, партия ташкилотларининг таянчи бўлиб хизмат қиладилар.

Агитатор колхозчилар, совхоз ва МТС ходимларига яқин туручи, улар орасида бевосита иш олиб боручи партиянинг таянчидир. Партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигида ана шундай муҳим ва мустаҳкам таянчга эга бўлсалар, агитаторлар ишларини яхши ташкил қилсалар, улар бланхалқнинг кучли воситачисидир.

Агитаторлар бланишлашни яхшиладилар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Молотов номли, Янгийўл районидаги Маленков номли, Тошкент районидаги Сталин номли колхозларда агитаторлар бланяхши иш олиб борилмоқда. Тошкент районидаги Сталин номли колхоз партия ташкилотининг агитпункти агитаторларнинг ишига яхши раҳбарлик қилмоқда, Агитпункт мудири ўртоқ Назаров агитаторлар бланситематик равишда алоқа қилиб туради, уларга йўл-йўриқлар кўрсатади. Сиёсий агитация ишларига энг яхши агитаторлар, ишлабчиқариш илғорлари жалб этилган. Колхознинг 6-нчи бригадасида агитаторлик қилучи Аббосовни колхозчилар жуда ҳурмат қиладилар. Агитатор Аббосов колхозчиларга КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларини, партия ва ҳукуматимизнинг кейинги бирқанча қарорларини ҳозирги кунимиз вазифалари бланколхоз олдида турган вазифалар бланмаҳкам боғлаган ҳолда тушунтириб бермоқда. У, суҳбатни жуда жонли ўтказади, қундалик ҳаётдаги, халқаро масалалардаги янгиликларни колхозчиларга жуда қизиқарли ва жонли тилда баён этиб беради. Ўртоқ Аббосов кейинги вақтларда Украинанинг Россия блан қайта қўшилганлигининг 300 йиллиги тўғрисида, Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказди.

Колхозда сиёсий агитация ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги ғўза парваришининг ўз вақтида ва сифатли ўтишини та'минламоқда.

Партия ташкилотлари агитаторлар ва агитколлектив ишини ташкил этишга алоҳида э'тибор беришлари, агитаторларни ҳартурли адабиётлар, кўргазмали қуроллар блан етарли та'минлашлари, уларнинг вазифаларини белгилаб бериш. лари зарур. Агитаторларни тўғри танлаш, агитколлектив ишларини тўғри ташкил этиш партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Шуни ҳам э'тиборга олиш керакки, агитаторлар танлаш, уларни бригадаларга тақсимлаш — бу ишнинг бошланишидир. Ба'зибир партия ташкилотлари ўз вазифаларини агитаторларни белгилаб чиқиш, уларни бригадаларга тақсимлашдангина иборат қилиб қўядилар. Бу — бутунлай нотўғридир, масалага формал, бирёқлама муносабатда бўлишдир. Бекобод район, Молотов қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилоти агитаторлар блан ишлашда нотўғри йўл тутмоқда, сиёсий агитация ишларини ўз ҳолига ташлаб қўймоқда. Бошланғич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Тўқмирзаев кўпинча хўжалик ишлари блан банд бўлиб, агитаторлар ишига формал муносабатда бўлаётир. Агитаторларни белгилаб қўйиш блан чекланиб, уларнинг иши устидан систематик равишда контрольлик олиб бормаётир. Шуниси ажабланарлики, кейинги вақтларда агитаторлар бутунлай ишламай қўйди. Улар колхозчиларга ҳатто кундалик газета ва журналларни ҳам ўқиб бермайдилар. Колхозда сиёсий агитация ишларининг бўшашиб кетганлиги меҳнат унумининг пасайиб кетишига, ғўза парваришининг кечикишига сабаб бўлмоқда.

Районнинг Крупская номли колхозида ҳам шундай аҳволни кўрамиз. Бекобод район партия комитети ва унинг пропаганда-агитация бўлими (мудири ўртоқ Ражабов) бу камчиликларни билса ҳам, лекин уларни тугатиш тадбирларини кўрмаётир. Бундай камчиликларга тезда барҳам бериш керак.

Партия ташкилотлари агитаторлар блан ишлашни ҳартомонлама яхшилашлари, ҳарбир агитатор ҳақида, унинг қандай ишлаётганлиги ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак. Агитаторлар ишини ташкил этишга алоҳида э'тибор бериш лозим. Шунга эришмоқ керакки, ҳарбир бригадада 2—3 тадан кам бўлмаган агитатор ишлаб турсин. Бу агитаторлардан биттаси уларга бошчилик қилиши керак. Партия ташкилотлари колхоз, совхоз, МТС агитаторлари блан ҳар ҳафтада бир марта инструктив йиғилиш ўтказишни та'минлашлари керак. Бу йиғилишда бошланғич партия ташкилотининг секретари ёки район партия комитетининг МТС зонасига бириктиб қўйилган секретари ёки бўлмаса колхозларга бириктилган инструкторлар, шунингдек мутахассислар, раҳбар партия ва совет ходимларининг инструктив доклад қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Район партия комитетлари агитколлектив ишларини умумлаштириб туришни та'минлаш учун ҳар ойда бир марта агитколлектив раҳбарларининг семинарларини ўтказиб туришлари керак.

Сиёсий агитациянинг кучи, унинг қақконий ва тушунарли бўлишидадир. Агитатор кенг колхозчилар оммасига тушунарли, содда ва жонли тил блан партия ва ҳукуматимиз сиёсатини тушунтириб бериши керак. Сиёсий агитациянинг бутун кучи ва та'сири ҳозирги кунда халқ хўжалигимиз олдида, колхоз, совхоз ва МТС лар олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилиши керак.

Ҳозирги вақтда сиёсий агитация ишларини бевосита ишлабчиқариш жойига, дала шийпонларига кўчириш керак. Дала шийпонларини сиёсий агитациянинг чинакам марказига айлантириш керак. Агитатор дала шийпонларини ўзи учун штаб қилиб олиши зарур. Партия ташкилотлари дала шийпонларини жиҳозлаш, уларни ҳартурли адабиётлар, газета ва журналлар, кўргазмали қуроллар блан ва бошқа зарур аш'ёлар блан та'минлашлари керак.

Агитатор колхозчилар, совхоз ва МТС ходимлари ўртасида сиёсий агитация ишларини олиб борган вақтда ғозаки агитациядан ташқари кўргазмали агитациядан — ҳартурли плакатлар, колхозларнинг иқтисодий ва маданий ўсишларини кўрсатучи диаграммалар, социалистик мусобақа натижаларини кўрсатучи тахталар, ҳурмат тахтаси ва бошқалардан кенг фойдаланиши керак.

Агитатор ўзига юклатилган вазифани виждонан, ҳаллолик блан бажариши керак. У, партиянинг жанговар таянчи эканлигини ҳеҳачон унутмаслиги, агитатор деган шарафли номга муносиб бўлиши, ўз устида систематик равишда ишлаши зарур.

Ғўза парвариши кучайиб кетган ҳозирги мас'улиятли кунларда сиёсий агитация ишларини ҳартомонлама кучайтириб, КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларини амалга оширишда партия ташкилотларига ёрдам берайлик!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ В. Ф. Савельевни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлаш тўғрисида

Туғилганига 50 йил тўлиши ва темир йўл транспортидаги меҳнат фаолиятига 30 йил тўлганлиги муносабати блан Тошкент темир йўлининг бош инженери Ўртоқ Василий Федорович **Савельев** Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА

Тошкент шаҳри,
1954 йил 20 май.

Идеология масалалари юзасидан республика кенгаши

20 майда Тошкентда, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан чақирилган идеология масалаларига бағишланган республика кенгаши очилди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарьлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, Тошкент ва Самарқанд область партия комитетлари мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, область, шаҳар ва район газеталарининг редакторлари, область маданият бошқармаларининг бошлиқлари, республика газеталари, ЎзТАГ ва радиоэшитиришлар бошқармасининг мухбирлари қатнашмоқда.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон КП Марказий Комитеги пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Ҳ. Ғуломовнинг «Республика партия ташкилотлари идеология ишларининг вазифалари», Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан ва маданият бўлимининг мудири ўртоқ Ғ. Султоновнинг «КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларини амалга оширишда фан ва маданият ходимларининг вазифалари» ва «Правда Востока» газетасининг редактори ўртоқ С. С. Черникнинг «Маҳаллий матбуотнинг аҳволи ва унинг вазифалари» тўғрисидаги докладларини эшитдилар. Докладлар юзасидан музокаралар бошланди.

Идеология масалаларига бағишланган республика кенгаши бирнеча кун давом этади. (ЎзТАГ).

Француз жамоат арбоби Пьер Котга „Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Халқаро Сталин мукофотининг топширилиши

ПАРИЖ, 19 май. (ТАСС). Кеча Париждаги «Ройяль-Монсо» меҳмонхонасида тинчлик йўлидаги отоқли курашчи, кўзга кўринган француз жамоат ва сиёсий арбоби Пьер Котга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти топширилди.

Мукофотни топшириш вақтида СССРнинг Франциядаги муваққат ишлар вакили В. Я. Ерофеев, халқ демократияси мамлакатларининг Франциядаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг раиси Эжени Коттон, Жак Дюклю бошчилигида Франция Коммунистик партиясининг раҳбарлари, Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретарьлари Бенуа Фрашон ва Ален ле Леап, Миллат мажлисининг депутатлари ва Республика кенгашининг а'золари, Миллий тинчлик кенгаши, «Франция-СССР» уюшмаси, Француз хотин-қизлари союзининг вакиллари, кўзга кўринган француз олимлари, ёзучилари, артистлари ва матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тантанали йиғилишни машҳур француз ёзучиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти Комитети раисининг ўринбосари Луи Арагон очди. Луи Арагон Пьер Котнинг тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги халқаро ҳаракатда қилган буюк хизматларини та'кидлади. У «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотининг француз халқининг тўртинчи вакилига топширилиши тасодифий бир ҳол эмаслигини ва бунга ажабланиб бўлмаслигини уқтириб ўтди, чунки, — деди у, — дун'ё харитасида Франция муҳим ўрин тутади.

Шундан кейин, Пьер Менье Миллат мажлисининг фахрий раиси Эдуард Эррионинг мактубини ўқиб берди. Эдуард Эррио ана шу тантанали маросимга Лиондан етиб келаолмаган.

Мактубда бундай дейилади: «Ҳарқандай цивилизация, ҳарқандай дин, ҳарқандай ахлоқнинг биринчи шарти кишилик ҳаётини ҳурмат қилишдан иборат.

Мен ана шу принципни ҳимоя қилаётганлигингиз учун сизларга ташаккур билдираман. Мен кекса бўлганим ҳолда сизларга алангаланиб ўтган маш'ални топшираман. Сизнинг Эдуард Эррио».

Раислик қилучи сўнгра, Франциянинг собиқ бош министри Поль-Бонкурга сўз беради. Поль-Бонкур айтадики, бугун Пьер Котга дун'ёдаги энг юксак мукофот — «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти берилди. Мен, — деди у, — бир улуг мамлакатни эсдан чиқарганим йўқ ва ҳеҳачон эсдан чиқармайман. Шу улуг мамлакатнинг солдатлари Шарқда шиддатли жанглар олиб бориб, Нормандияга аскар туширилишига ва Франциянинг озод қилинишига имкон бердилар.

Машҳур инглиз жамоат арбоби Притт англияли тинчлик тарафдорлари номидан лауреатни табриклайди. Притт тинчлик ишининг ғалаба қилишига қат'ий ишонганлигини билдирди.

Шундан кейин, отоқли француз олими Фредерик Жолио-Кюри ва Миллат мажлисининг депутати д'Астье де ла Вижери табрик нутқи сўзладилар. Жолио-Кюри Пьер Котнинг тинчлик тарафдорлари халқаро ҳаракатида катта хизмат қилганлигини ва унинг француз халқи олдидаги хизматларини та'кидлаб ўтди. д'Астье де ла Вижери Пьер Котнинг Франция хавфсизлигини ва Европадаги барча халқларнинг хавфсизлигини та'минлаш учун парламентда олиб борган курашини ва сиёсий курашини характерлади.

Сўнгра, совет ёзучиси Илья Эренбургга сўз берилди. Илья Эренбург бундай деди:

Қадрдон Пьер Кот!

Мен «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотини Сизга топширишдек буюк шарафга муяссар бўлдим. Биз, юксак даврда яшамоқдамиз: цивилизациямизнинг тақдири — ҳозир сиз блан биз турган муҳташам ва гўзал шаҳарнинг тақдири, ҳозирги вақтда Люксембург боғида, Гейд—парқда, Пушкин бульварида маза қилиб ўйнаб юрган ва келгусининг Бальзаклари, Диккенслари, Толстойлари бўлиб етишучиларинг ёзадиган китоблари ҳарбир кишининг ақлига ва қалбига, ҳарбир халқнинг ақлига ва қалбига боғлиқдир. Улуг ватанпарар, ўз асрининг граждани бўлган Сиз, Пьер Кот, тинчлик ишини, Францияни ва инсонларнинг қадри-қийматини, халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамма оналарнинг, ҳамма қуручиларнинг, ҳамма боғбонларнинг тинчини қуритучи ваҳимадан ва равил қўрқувдан холи қаёт учун бўлган ҳуқуқларини ҳамиша қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келдингиз.

Азиз дўстимиз!

Музокаралар ва битимлар идеясининг қозонган ғалабасида мен қилган меҳнатнинг, менинг қаётимнинг ҳам ҳиссаси бор, деб фахр блан ўйлашингиз мумкин.

Азиз ва яқин дўстимиз бўлган Сизни тинчликни ҳимоя қилучи Совет комитети номидан ҳам қутлашга ва Сиз орқали бизнинг ўзимиз ва қадрли француз халқини ҳам табриклашга ижозат берингиз.

Биз умумий юртимиз — Европанинг — турли чекналарида яшамоқдамиз ва биз ҳам шу юртни оташдан сақлашга баббаравар манфаатдормиз, тинч меҳнатни биз ҳам баббаравар севамиз, бирор шаҳарни ер блан яксон қилмоқ учун қанча бомба кераклигини муҳокама қилаётган одамларнинг гапларини эшиттанимизда биз, совет гражданларини мана шу мас'улиятсиз ва жиноятқорона сўзлар беиҳоя ғазаблантиради, чунки бу сўзларни айтаётган кишилар Париж ёки Москвани бун'ёдга келтирмоқ учун неча-неча аср вақт кеттанлигини, қанча-қанча меҳнат ва ғениёларнинг ақли сарф бўлганлигини билмайдилар.

Совет кишилари Сиз Пьер Котни дўстона халқнинг вакили деб, инсоният фахрланаётган мамлакатнинг вакили деб табрикламоқдалар. Мен Сизнинг мамлакатингизни биламан ва севаман. Мен шуни биламанки, икки халқимиз ўртасида яқинлик ҳосил қилиш учун ва Европада коллектив хавфсизлик идеясини ёйиш учун кўп меҳнат сарф қилган сиз каби, раис Эррио сингари кишилар, катта олим Жолио Кюри каби, Арагон каби кишилар ҳаҳонда Франциянинг обрўини ва яхши номини баланд кўтариб турибдилар. Сизни ишонтириб айтаоламанки, бизнинг икки халқимиз ўртасидаги дўстликни заҳарлашга қаратилган ҳаракатларни кўрганимизда, сўзларни эшитганимизда биз бундай ҳаракатларни, бундай сўзларни ҳеҳачон Франциянинг иродасини ифодалайди, деб билмаймиз, чунки бундай ҳаракатлар ва сўзлар мамлакатингизнинг эрксеварлик ва меҳмондўстлик традицияларидан шу қадар узоқдир.

Мен ҳозиргина раис Эррионинг юборган хатини олдим, у ўзининг шу хатида совет балетига нисбатан кўрилган чораларни қоралаб ёзади ва французларнинг кўпчилиги ҳам шу фикрдадир, дейди. Ма'навий обрўйи бутун Францияда шак. шубҳасиз бўлган кишининг айтаётган шу сўзларини ҳеҳким инкор қилаолмайди.

Бирнеча кундан кейин, Москвага қайтиб борганимдан сўнг мен ўз ватандошларимга, бизлар сингари французлар ҳам тинчликни хоҳлайдилар, халқларимиз ўртасида дўстлик бўлишини хоҳлайдилар, деб айтаман.

Тинчлик иши ғалаба қозониши лозим, у ҳақиқатан ҳам ғалаба қозонади. Одамлар бир кечирган йилларнинг тарихини ўйлаганларида халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш ишига Сиз, азиз дўстимизнинг ҳам қўшган ҳиссангизни миннатдорчилик блан эслайдилар. Мен Сизга соғлиқ ва қуват тилайман, аммо бахт ҳам тилайман, деб айтаётганим йўқ, чунки, тинчлик — ҳамманинг бахти эканлигини, Сиз учун эса энг олий бахт эканлигини биламан.

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофоти лауреати Пьер Кот жавоб нутқи сўзлади.

Пьер КОТНИНГ нутқи

Жаноблар, мени даволаётган врачлар нутқ сўзлашимни тақиқлаб қўйган эдилар. Лекин шу минбарда ва шу залда турганларга қисқача ташаккур билдирсам бу блан врачларнинг айтганига қарши ончалик хилоф иш қилмаган бўлурман, деб ўйлайман, чунки бу ердагиларнинг меҳри ва муҳаббати мен учун қимматли гаровдир.

Халқаро Сталин тинчлик мукофоти менга берилганлиги тўғрисидаги хабарни эшиттанимда менда катта ифтиҳор ҳислари жўш уриб кетди. Бунинг учун фахрланишим мутлақо қонуний бир нарсадир, чунки менга шу мукофот берилиши блан кўрсатилган шараф менинг ғояларим ва э'тиқодларимга қўшиладиган кишилар умид қилиши мумкин бўлган энг юксак шарафдир.

Тинчлик фойдасини кўзлаб қилаётган ўз фаолиятимни кўздан кечирганимда мен унда кўпгина камчиликлар борлигини кўрдим. Бугун кечқурун мени табриклаган нотиқлар мени мақтаб, менинг ша'нимга кўп яхши сўзларни гапирдилар, албатта. Аммо уларнинг айтганларига тўлиқ ишонманг; улар ўзларининг дўстликлари сабабли менга нисбатан ҳаддан ташқари ёнбосиб гапирдилар. Мен ўз имкониятларимни ва ўз қудратимни билганлигим учун, шундай деб ўйлашга ҳақлиманки, менга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Сталин мукофотини бераётган вақтларида мен орқали авзало ва дастлаб «Тинчликни ҳимоя қилиш учун» журналимизни, сўнгра умуман француз тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг фаолиятини ва, ниҳоят, бизнинг мамлакатимизда бўлган ва — бизнинг ҳаракатимиз ичида ёки унинг сиртида туриб — ўзларини урушга тортишдан зўр бериб бош тортаётган, напалм бомбаси ёки водород бомбаси дипломатиясига қараганда музокаралар олиб боришнинг бениҳоя устун эканлигини тинмай такрорлаётган ва инсониятнинг келажагига ўзларининг ҳамда барча халқларнинг иноқ бўлишига ишонганликларини бўрон вақтидаги байроқни сақлагандек сақлаб турган барча виждонли кишиларнинг ҳаракатларини мукофотламоқчи бўлганлар.

Шу мажлисда қатнашиб, ёки ҳозир бўлиб менга ўз ҳурматини изҳор қилган кишиларнинг ҳаммасига, ўз кучимни аяб, бирйўла ташаккур билдирсам, бунинг учун менга ҳеҳким та'на қилмас, деб ишонаман. Менинг бутун иқтидоримни ва миннатдорчилигимни мендан ҳаяжон сизларга узун-узун нутқдан кўра яхшироқ ифодалаб беради.

Сўнгра Пьер Кот бундай деди:

Биз ҳамиша эсда тутишимиз лозим бўлган биринчи идея шундан иборатки, турли иқтимоий-сиёсий системаларнинг бирга тинч яшаш проблемаси даврининг энг катта проблемасидир. Тинчликка ишониш, тинчликни исташ аввало турли системаларнинг бирга яшаши мумкинлигига ишониш демакдир, улар шу тарзда бирга яшамоқлари керакки, бундай шароитда ма'лум даражадаги халқаро ишонч халқаро ҳамкорликнинг лаоқал куртакларини вужудга келтираолур эди.

Биз амал қилишимиз лозим бўлган иккинчи идея шундан иборатки, халқаро кучларнинг нисбати тўхтовсиз ўзгариб бормоқда.

Одатда ғарб дун'ёси деб аталган кучнинг бошқа қит'алар устидан узоқ вақтлардан бери ҳукмронлиқ қилиб келганлиги бизнинг кўз олдимизда тугаб бормоқдаки, бу энг муҳим ҳодисадир. Мустамлакачи империяларнинг иқтисодий ва сиёсий васийлик қилишнинг ўзини сақлаб қолиш имконияти Рим империяси ёки герман миллатидан бўлган муқаддас империянинг «Европа мудофаа бирлашмаси» ниқоби остида бўлса ҳам, қайтадан тиқилиши учун бўлган имкониятдан ортиқ эмас. Буларнинг ҳаммаси ўтмишники бўлиб қолди ва кўмилганича гўрда қолиши лозим. Кечагина ғарб давлатлари томонидан асоратга солинган ёки уларга бўйсундирилган жуда катта инсон оммаси бош кўтариб ўз мустақиллигини қўлга олди; бошқа халқлар уларга эргашдилар ёки эргашадилар, шунинг учун ҳам биз бу ҳаракатнинг инсоният учун қандай янги истиқболлар очаётганлигини пайқамаётган беақлларга ачинишимиз лозим.

Ҳарҳолда, эндиликда бутун халқаро проблемаларга Африка, Осиё ва Америка халқларининг ўзларини миллат деб англаш ва одам сингари яшаш йўлидаги ҳаракатларини ҳисобга олиб баҳо бериш керак.

Мулоҳазаларимизни давом этдириб, қолган гапларни ҳам айтиб ўтайлик.

Ижтимоий-сиёсий структура тез ўзгариб тураётган даврда тинчлик халқаро воқи'ликнинг ўзгаришига муттасил уйғунлашиб бориши лозим. Тинчликни воқиаларга бериладиган дастлабки баҳолар ва ўзаро ёнбериштар йўли блан ўрнатиш ва сақлаб туриш мумкин; тинчлик доимий музокаралар олиб бориш ва битимларни доимий янгилаб бориш туфайли қаётий бўлиб қолади, чунки ҳаёт — ҳаракат демакдир.

Мен, ниҳоят, охирги идеяни айтиб ўтмоқчиман ва шу идеяга сизларнинг э'тиборингизни жалб қилмоқчиман. Тинчликни мустаҳкамламоқ учун дипломатларнинг бутун эпчиллиги, давлат арбобларининг бутун тажрибаси етарлик бўлмас эди. Шу эпчилликлар ҳам ва шу тажрибалар ҳам халқларнинг иродасига асосланиши лозим. Бизнинг Жаҳон Тинчлик Кенгашимиз халқларнинг мана шу иродасини, гарчи ҳали етарлик даражада бўлмасада, ҳарҳолда ифодалашга ва ўқтириб кўрсатишга ҳаракат қилмоқда; хуллас, гап шу идеянинг тантанаси та'минлаш устида бормоқда.

Менинг фикримча, тинчликнинг тўрт кучи, тўрт негизи — турли иқтимоий-сиёсий системаларнинг бирга тинч яшашларидан, кечагина, ба'зан эса бугун ҳам ажнабийларнинг хоҳишига бўйсундирилган барча халқларнинг мустақилликка ва эркинликка бўлган ҳаракатидан; халқаро ҳаёт томонидан қўйилган проблемаларни ҳал қилишга имкон берадиган нарса фақат музокаралар ва битимлардир, деб да'во қилишдан; халқаро ишларга раҳбарлик қилишда халқларнинг тобора активроқ иштирок қилишларидан иборатдир.

Ҳамма тўсиқларга ва ҳарқандай дўқларга қарамай, биз тинчлик учун бўлаётган жангда енгиб чиқамиз. Биз сабримизнинг урушга ҳам нафратни ва ахмоқликни қуролсизлантирамиз ҳамда Шарқ ва Ғарб одамлари ўртасида ишонч ва дўстликни тиклаймиз.

Халқаро Сталин тинчлик мукофоти бутун француз республикачисига топширилаётганлиги сабабли, шу республикачига инсониннг келажагига бўлган ўзининг ишончини француз революцияси жаҳонга маш'ал қилиб берган уч сўз блан ифодалашга ижозат берингиз: Халқларнинг **озодлиги** ҳамма ирқ ва ҳамма мамлакат кишиларининг **тенглигига** асосланганида, инсоният шафаги **қардошлик** тонги ёришади.

Тинчликни ҳимоя қилучи Совет комитети ва СССР Совет ёзучилари союзида

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Вена сессиясининг қарорига мувофиқ бу йил барча мамлакатларда отоқли рус ёзучиси А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллиги нишонланади.

Тинчликни ҳимоя қилучи Совет комитети ва СССР Совет ёзучилари союзи А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллигини ўтказиш юзасидан Бутуниттифоқ комитетини туздилар. Комитет составига қуйидагилар кирди: К. А. Федин — раис, И. В. Абашидзе, И. И. Анисимов, М. О. Ауэзов, М. П. Бажан, Н. Ф. Бельчиков, П. У. Бровка, В. Л. Василевская, А. Т. Венцлова, В. В. Виноградов, С. А. Герасимов, А. И. Денисов, Л. В. Дубровина, В. В. Ермилов, М. Ибрагимов, С. В. Кафтанов, О. Л. Книппер — Чехова, Я. Колас, А. К. Котов, И. М. Лебедев, А. И. Назаров, А. И. Опарин, Н. П. Охлопков, Н. Ф. Погодин, Б. Н. Полевой, Б. С. Рюриков, А. А. Сурков, А. К. Тарасова, Н. С. Тихонов, П. Г. Тичина, М. П. Чехова, А. Н. Шелепин. (ТАСС).

УКРАИНАНИНГ РОССИЯ БЛАН ҚАЙТА ҚУШИЛИШИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Лекция, доклад ва виставкалар

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг партия кутубхонаси Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига актив тайёргарлик кўрмоқда. Кутубхонада докладчилар учун инструктив лекция бўлди. Партия ташкилотларининг талабига мувофиқ саноат корхоналарида ва муассасаларда: «Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги ва қардошлигининг улуг тантанаси», «Украин халқининг четэл босқинчиларга қарши ва Украннанинг Россия блан қайта қўшилиши учун кураши» ва бошқа темаларда лекциялар ўтказилмоқда. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатида, «Электрокабель», экскаватор, ферментация заводларида, пайпоқ-трикотаж фабрикасида, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигида ана шундай лекциялар бўлиб ўтди. Шаҳар партия комитетининг лекторлари сўнгги бир ярим ой ичидагина СССР халқларининг дўстлиги, пролетар интернационализми, ленинчасталинчи миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида 150 дан кўпроқ лекция ўқидилар.

Фото-ҳужжатлар ва суратлардан иборат катта виставка кутубхонага келган кишиларнинг э'тиборини жалб этади. Виставканинг бўлимлари украин халқининг четэл золимларига қарши, рус халқи блан қайта қўшилиш учун олиб борган кураши тарихини акс этдиради, украин халқининг СССР халқларининг дўстона оиласида Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси учун қандай курашаётганлигини кўрсатади. Айрим стенда миллий масала бўйича марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, рус ва украин классикларининг, совет ёзучиларининг бадиий асарлари қўйилган.

Шунингдек Тошкент шаҳри Фрунзе, Ленин, Сталин ва бошқа район партия комитетларининг партия кутубхоналари ҳам юбилейга тайёргарлик юзасидан мазмунли иш олиб бормоқдалар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон композиторларининг совғаси

Мамлакатимиз халқлари Украинанинг Россияга қайта қўшилганига учюз йил тўлиши муносабати блан шу кунларда ўтказилаётган умумхалқ байрамини янги зафарлар блан нишонламоқдалар. Умумхалқ байрамига бағишланган янги-янги асарлар яратилмоқда. Ўзбекистон композиторлари ҳам бу юбилейга ўз бурчларини қўшмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг музика бўлими юбилейга бағишлаб яратилган Ўзбекистон композиторларининг бирмунча романс, баллада ва ашулаларини рус ва ўзбек тилларида «Дўстлик қўшиқлари» номи блан нашр этди.

Композиторлардан Борис Гиенко, тарихий юбилейга бағишлаб ёзабошлаган сюитасини тугатди. Бу сюита, Ўзбекистон Давлат филармониясининг Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун ёзилган. Сюита Украинанинг отоқли композиторларидан А. Штогаренко ижодий ёрдами блан Украина халқ мелодиялари асосида яратилган.

Композитор Б. Гиенконинг бу сюитаси учун асосий манба' бўлган украин халқ мелодиялари ранг-баранг товушларга эга бўлган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида янада жозибадор янграйди. Бу серзавқ, жозибадор мелодиялардаги Украина халқ куйларига хос бўлган тузилиш, характер ва ниҳоят интонацияларни қўповозли бўлганда ўз хислатларини йўқотмай, аксинча янада бадиийлашган.

Композитор Борис Гиенконинг юбилейга бағишлаб ёзган бу асари, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри репертуаридаги энг яхши асарлар қаторидан жой олишига шубҳа йўқ.

Улуғ дўстлик

«1654—1954» деб олтин суви юргизилиб ёзилган катта рақамлар Тошкентдаги Чапаев номли 42-нчи сонли мактабнинг тўртқаватли чиройлик биносига кириб келган ҳарбир кишининг диққатини ўзига жалб этади. Бу ерда болалар Украннанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган виставка ташкил этдилар.

Юбилей виставкасининг ташкил этилиши — халқлар дўстлигининг улуг байрами, га тайёргарлик кунларида мактабда олиб борилаётган катта ишларнинг бир қисмидир. Мактабда «Дўстлик кечалари» зўр муваффақият блан ўтди. Бу кечаларда Н. Рибакнинг «Переяслав радаси» номли романидан парчалар, Т. Шевченко, М. Рильский ва М. Бажаннинг ше'рлари ў

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Завод партия ташкилоти ва рационализаторлар

Тошкент Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи коллективи зиммасига давлат аҳамиятига эга бўлган шарафли ва мас'улиятли вазифа юкланган. Завод ишчи ва хизматчилари мамлакатимиз хўжалигининг қон томири бўлган темир йўл транспортининг нормал ҳаракатини тўла та'минлаш мақсадида москвалилардан ўрнак олиб, 1954 йил учун яна қўшимча мажбурият олдилар. Бу мажбуриятни бажаришда завод партия ташкилоти ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Завод партия ташкилоти (секретари ўртоқ Г. Г. Светленко) давлат томонидан белгиланган плани ва завод коллективи олган қўшимча мажбуриятни бажаришга раҳбарликни кучайтирди. Партия ташкилоти цехлардаги партия группалари, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ёрдами блан оборот маблағининг айланишини тезлатиш, мавжуд резервларни топиб, улардан рационал фойдаланиш, ускуналар ва мавжуд ишлабчиқариш майдонидан унумли фойдаланиш, хомашё ва материалларни тежаш, меҳнат унумини ошириш учун социалистик мусобақани қизиқтиб юборди.

Ҳарбир фойдали янгиликни ишлабчиқаришга дадиллик блан кенг жорий қилиш, ҳамма ишчиларни илғорлар қаторига кўтариш, рационализатор ва ихтиро'чилар сонини кўпайтиш учун кураш — партия ташкилотининг диққат марказидаги асосий масалалардан ҳисобланади. Шу кунларда партия ташкилотининг раҳбарлигида барча ишчи, инженер ва техниклар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Заводнинг кўпгина ишчилари, инженер ва техник ходимлари социалистик ишлабчиқаришнинг отоқли новаторларига айландилар.

Партгруппалар завод партия ташкилотининг асосий таянчи ҳисобланади. Улар ишчилар блан яқиндан алоқада бўладилар, ўз ишлабчиқариш участкаларини яхши биладилар ва ишнинг боришига оператив та'сир кўрсатадилар. Партгруппалар цех ва бригадалар ўртасида ишлабчиқариш а'лочиси унвони учун курашни уюштиручи ва бошқарувчи асосий кучдир. Партбюро бу партгруппаларнинг фаолиятини кучайтириш учун уларга керакли йўл-йўриқлар кўрсатиб беради. Цех партгруппалари эса рационализаторлик таклифлари сонини ошириш, уларни ишлабчиқаришга жорий қилишга алоҳида э'тибор бериб келмоқда.

Завод партбюроси цех партия ташкилоти секретарьлари, касаба союз комитетлари раҳбарлари ва комсомол комитети секретарьлари блан йиғилишлар ўтказиб, уларнинг олдига конкрет вазифалар қўйиб турада. Ишчилар ўртасида агитация-пропаганда ишларини олиб боришга энг илғор коммунист ва комсомоллар жалб этилган. Айниқса завод бошлиғи коммунист ўртоқ Русак, бош технолог П. Широқий, инженер В. Донец, тендер цехи мастери У. Ҳиматовлар ишчилар ўртасида муҳим масалаларни содда ва жонли тилда тушунтириб бераолишлари блан ҳам обрў қозонганлар. Улар давлат плани ва ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажаришнинг ишлабчиқариш технологиясини узлуксиз яхшилаб боришнинг аҳамиятини ишонтирарли фактлар блан тушунтириб борадилар. Бундай суҳбатларда халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларидаги инженер, техник, мастер ва илғор ишчиларнинг эришган янги-янги муваффақиятлари кенг пропаганда қилинади.

Айниқса сўнгги бир ярим йил ичида рационализатор ва ихтиро'чилик таклифларини ўрганиш партия ташкилотининг биринчи даражали вазифаси бўлиб қолди. Ўтган йили 277 рационализаторлик таклифи киритилиб 1 миллион 348 минг 913 сўм иқтисод қилинди. 1952 йилга нисбатан 1953 йили рационализаторлик таклифлари 30 процент кўп киритилди. Умуман кейинги бир йил ичида завод рационализаторларнинг сони 116 дан 190 га кўпайди. Завод партия ташкилоти бундай муваффақиятга ишчи ва инженер-техник ходимларнинг ишлабчиқаришни ихчамлаштиришга қаратилган фойдали таклифларини қўллаб-қувватлаш натижасида эришди. Партия йиғилишларида социалистик мусобақа формаларини такомиллаштириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, новаторларнинг янги қашфиётларини кенг ёйиш, қолоқларни илғорлар қаторига кўтариш масалалари муҳокама қилинди.

В. С. Донец раҳбарлигидаги эксперименталь устахонаси рационализаторлик таклифлари блан 1953 йили 62 та янги машина ва асбоб-ускуна тайёрлаган бўлса, 1954 йилнинг биринчи кварталида 38 хил янги ва а'ло сифатли асбоб-ускуналар ишлади. Ҳозир улар культиватор детальлари ишлабчиқаришни ўзлаштириш устида ишламоқдалар.

Ишлабчиқаришни юксалтиришда коммунистларнинг ўрнак бўлишлари алоҳида аҳамиятга эга. Завод партия ташкилоти ўз касбининг моҳир мастерлари А. А. Никифоров, Е. П. Жижимонтов, В. Н. Гаранкин сингари илғор коммунистлар ва партиясиз новатор В. С. Донец ҳамда И. А. Шурик ўртоқлар блан фахрланса арзийди.

Тендер цехи мастери ўртоқ А. А. Никифоров бирнеча йил давомида 16 рационализаторлик таклифи киритди. Яқинда СОК серияли паровозни такомиллаштириш учун киритган янгилигининг ўзи заводга 50 минг сўм иқтисод қилиш имкониятини берди. Бу янгилик фақат заводнинг ўзидагина эмас, балки иттифоқимиздаги ҳамма транспорт заводларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бош металлург Жижимонтов ва чўян қуйиш цехининг мастери Егоров ўртоқлар ўзаро ҳамкорлинда ишлаб 45 рационализаторлик таклифи киритдилар. Шу икки коммунистнинг рационализаторлик таклифларини жорий қилиш натижасида завод 500 минг сўмдан ортиқ иқтисод қилиш имкониятига эга бўлди.

1928 йилдан бери шу заводда ишлаб келаётган вагон цехи мастери Иван Акимович Шурин вагон детальларини штамплаш соҳасида 37 рационализаторлик таклифи киритди ва 100 минг сўмдан ортиқ иқтисод қилишга имкон берди. Заводда бундай коммунистларни кўплаб учратиш мумкин. Кекса слесарь И. И. Салеев, қолипчи У. Пўлатовлар яратган янгиликлар СССР Темир йўл саноатининг кўп корхоналарида қўлланилади.

Бу илғор коммунистларнинг муваффақиятларидан руҳланиб, кўп партиясиз ишчилар, комсомоллар ва касаба союз а'золари уларга эргашмоқдалар. Паровоз цехи токари комсомол И. Стулов, тендер цехининг технологи Халзаков, Омельченко, слесарь В. А. Суворов ўртоқлар киритган таклифлар ишлабчиқариш процессларини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Завод партия ташкилотининг ташаббуси блан сўнгги йилларда завод коллективи Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти олимлари ва илмий ходимлари блан ўзаро ҳамкорлик алоқалари боғлади. Бу алоқа ҳар икки томонга ҳам катта фойда келтирмоқда.

Завод рационализатор ва ихтиро'чилари бюроси а'золари институт олимлари блан биргаликда сўнгги 2—3 йил ичида бирнеча муҳим проблемаларни ҳал қилдилар. Завод коллективининг қадрдон дўсти бўлиб қолган институт инженери А. П. Сушенко гилдиракни қуйиш йўли блан ясайдиган янги автомат кашф қилди. Бу автомат ҳозир ишлабчиқаришда қўлланиб 70 минг сўмлик иқтисод берди. Ўртоқ Сушенко завод инженери И. П. Рябов блан биргаликда буғ қозонлари ясайдиган автомат конструкцияси ҳақида илмий иш ёзди. Бу конструкция ҳозир синовдан ўтмоқда.

Рационализатор ва ихтиро'чилар бюросининг инженери В. С. Донец коммунист агитаторлар ёрдами блан «Рационализатор ва ихтиро'чилар бурчаги» ташкил қилиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Бурчакга «Ялпи маҳсулот динамикаси», «Механик ускуналарнинг қўпайиши» стендлари, рационализатор ва ихтиро'чилик таклифлари ҳамда уларнинг авторлари сонини кўрсатучи диаграммалар, заводнинг отоқли ихтиро'чиларининг портретлари қўйилади.

Завод партия ташкилотининг вазифаси эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва рационализатор ҳамда ихтиро'чилар сонини тобора кўпайтиришдир.

К. ХАНОВ.

Тошкентдаги «Пласткож» заводининг мастери И. Фролов кундалик смена топшириғини 380—400 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: ўртоқ И. Фролов иш устида.

М. Шевелев фотоси.

Қисқа сатрларда

Яқинда Калинин район МТС ходимлари учун катта ошхона ва 140 квадрат метрли янги клуб биноси битказилиб фойдаланишга топширилди. Бинолар олдига ҳархил гул, олма, узум кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек Калинин район сельпоси МТС ходимлари учун катта магазин қуришга киришди.

А. Қўзиев.

* * *

Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг экономикаси тобора ўсиб, колхоз қишлоғи обод бўлмоқда. Яқинда колхоз правленияси 56 киловаттли электро-динамик сотиб олди. Ҳозир колхозчилар уйини электрлаштириш ишлари давом этмоқда.

А. Рўзибоев.

* * *

Оҳангаронда физкультура ва спорт ишлари яхшиланмоқда. Шахта касаба союз комитети спорт ишлари учун 10 минг сўм пул ажратди. Бу пулларга физкультура ва спорт ишлари учун зарур бўлган нарсалар сотиб олинмоқда. Шунингдек, шахта касаба союзи ҳузурида иккита футбол командаси ташкил қилинди.

Б. Кокиев.

* * *

Бўка районидаги Ленин номли колхозда стадион учун бирярим гектар ер ажратилди. Стадион МТС ишчилари ва район физкультурачиларига хизмат қилади. Спорт майдонини жиҳозлаш учун маблағ ажратилди.

Ш. Кузанбоев.

* * *

Чирчиқ шаҳрида радиодан фойдаланучилар сони йил сайин кўпаймоқда. 1954 йил бошидан бери Чирчиқ радиоузелида 455 та «Балтика», «Рекорд», «Минск» ва бошқа радиоприёмниклар регистрация қилинди. Репродукторларни ҳисобга олмаганда, шаҳар аҳолисидан 5000 киши ўз радиоприёмнигига эга.

Т. Сихарулидзе.

* * *

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги машинасозлик заводида маҳсус бинога киноустановка ўрнатилди. Бирнеча кун ичида завод ишчиларга «Пахтаой», «Тоғлар орасидаги застава», «Богдан Хмельницкий», «Содиқ дўстлар» каби фильмлар кўрсатилди.

Т. Имомхўжаев.

* * *

Оҳангарон шаҳар газетаси редакцияси яқинда деворий газета редакторларининг бир кунлик семинарини ўтказди. Семинар қатнашчилари совет матбуоти ва газетани чиқариш блан боғлиқ бўлган амалий масалалар юзасидан докладлар эшитдилар. Газета редакцияси ҳар ойда бир марта ана шундай семинарлар уюштириб туришга қарор қилди.

Ф. Петров.

ШАҲАР ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДАН

Қардошлик онласида

Серқуёш республикамиз улуғ рус халқининг ёрдами туфайли саноатлашган республикалардан бирига айланди. Фан, маданият, саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда рус халқининг ёрдами битмас-туганмасдир. Улуғ рус халқи туфайли республикамиз ўзининг металлургия саноатига эга бўлди.

Кўпгина монтажчилар, электросварщиклар Урол ва Сибирьдан келиб металлургия заводи қирилишини тезлаштирдилар.

Урол металлургиси Улуғ Ватан урушининг оғир йилларига қарамай ўзбек халқининг фарзандларини янги касб эгаллашга ўргатди. Ўзбек ёшларини прокатчи, пўлат эритучи қилиб етиштирди.

Бекобод шаҳар газетаси «Социалистик Бекобод»нинг бу ҳақдаги ҳужида босилган мақолаида бундай дейилади:

«Уролдан, Сибирь ва Украинадан Бекободга келган пўлат қуючи ва прокатчи рус мастерлари ўзбек металлургларини меҳр-муҳаббат блан тарбияладилар.

Совхоз директорлари ва партия ташкилотларининг секретарьларидан, район ижроия комитетларининг раислари, район партия комитетларининг секретарьларидан, совхоз директорлари ва совхоз партия ташкилотларининг секретарьларидан ўзаро текшириш комиссиялари томонидан аниқланган барча камчиликларни йўқотиш тадбирларини дарҳол кўриш талаб этилсин:

а) ҳарбир бригададаги дала шийпонларини ремонт қилиш ва жиҳозлаш ишлари яқин кунлар ичида тамомлансин ва улар газета, шиорлар ва плакатлар, расмлар олиб келарди. У блан кечирган дамлари жуда қўнгилли, орамбахш ўтарди. Бугунчи, бугун Нина унинг кўзига ҳарқачонгидан ҳам ғўзалроқ кўринди. Украин қизи ҳарқачонгидан ҳам кўра бугун қалбига яқинроқ туйилди.

Қуёш парча-парча оқ булутлар орасидан елкан каби узиб чиқди-да, оламга ёруғ нур сочабошлади. Она ҳамда Комилнинг сўзлари блан кўнгли тасалли топган Нинанинг юзларида ҳалиги қайғудан асар ҳам қолмади. Унинг юзларида севинч пайдо бўлди. У ерга энгашиб сувталаб бўлган гулларни қўлига олдида, Комил тайёрлаган чуқурчалар олдига келди. Умид гуллари бирин-кетин ўз жойига ўтқазилабошланди.

ЮРАКЛАР СЕВГИГА ИНТИЛАДИ

Бундан 3—4 йил илгари Сағбон кўчасида янги завод қурилиши бошланди. Нина қурилиш ишида актив иштирок этабошлади. Коллектив ҳаёт, ижоий меҳнат ушга кун-кунат бағишлаган

Тошкент область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Андижон областида

АНДИЖОН. (**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан**). Республикамизнинг икки йирик областьлари — Тошкент ва Андижон областьларининг пахтакорлари бирнеча йилдан бери мусобақалашиб, бир-бирларига ёрдамлашиб келмоқдалар. Бу мусобақа 1954 қишлоқ хўжалик йилида ҳам давом этдирилмоқда. Ҳар иккала область пахтакорлари ҳам бутун ишни мусобақа шартларида кўрсатилган муддатларда юқори сифатли ўтказиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, пилла ҳосилини ошириш ва жамоат маҳсулдор чорвачилигини янада ривожлантириш учун курашмоқдалар.

Тошкент область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси ҳарйилдагидек бу йил ҳам мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганини текшириш учун кеча — 20 май куни Андижон областига келди. Бригада составида, илғор пахтакорлар, механизаторлар, агрономлар, зоотехниклар, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларидан иборат 51 киши бор.

Бригада составида Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳайдар Жумабоев, Гулистон районидаги «Заря востока» колхози раисининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Султонов, Янгиёўл районидаги Ленин номли колхоз раиси О. Қўчқоров, Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхозининг бригада бошлиғи З. Мавлонова ва бошқа ўртоқлар бор.

Ўзаро текшириш бригадасининг а'золари 7 группага бўлиниб, область районларига жўнаб кетди. Бир группа пахтакорлар областьнинг пахтачилик совхозларида ҳам бўладилар. Мусобақадошлар областьда ғўза парвариши ва бошқа ишларнинг боришини кўздан кечирадилар ҳамда ўз мусобақадошларига фойдали маслаҳатлар блан ёрдамлашадилар.

Т. МАҲМУДОВ.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

Минггектарчилар ҳаракати кучайтирилмоқда

Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозида хизмат қилаётган ўртоқ Азим Эрматов бошлиқ трактор бригадасининг тракторчи-универсалчилари бошлаб берган минггектарчилар ҳаракатига Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС механизаторлари ҳам қўшилдилар. МТС хизмат кўрсатадиган 10 та пахтачилик колхозининг ҳаммасида тракторчи-универсалчилар ўртасаройли механизаторларнинг республикадаги ҳамма механизаторларга ёзган мактубини муҳокама қилиб, ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар.

Минггектарчилар ҳаракатига биринчи бўлиб қўшилган Андрей Димов ва Николай Русь ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг механизаторлари дастлабки кунданоқ барча «универсал» тракторларини икки сменада ишлашга кўчирдилар. Ҳар иккала бригадада ҳам иш куни учун қат'ий режим тузилди ва ҳарбир универсалчи айрим-айрим пахтачилик бригадаларига бутун мавсум бўйи бириктириб қўйилди.

Илғор бригадаларнинг механизаторлари хизмат қилаётган «Октябрь» колхозининг далаларида ғўзани тезроқ ҳосилга киритиш учун ғўза парвариши янада қучайтирилди ва ишнинг сифати анча яхшиланди. Бу ишчан механизаторлар ўтган йили шу колхозда 811 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олинишини та'мин этган эдилар. Бу йил эса, улар пахта майдонини янги ерлар ҳисобига 920 гектарга етказиш блан, унинг ҳар гектаридан камида 35 центнердан ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Ғўза парваришида ҳарқачонгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилиш блан ҳарбир чопиқ агрегатида 1 августгача 1000 гектар ердаги ғўзани а'ло сифатли культивация қилиб бериш, энг камида 5 процент ёнилғи тежаш мажбуриятини олган универсалчилар ўз тракторларининг бетўхтов ва унумли ишлашини та'мин этмоқдалар. Универсалчилардан Т. Аҳмедов, С. Иброҳимов, И. Гончаренко ва Б. Сушчин ўртоқлар шу кунларда тракторларнинг иш унумини ошириб, кунига 13—15 гектар ердаги ғўзани юқори сифатли ишлаб бермоқдалар.

Колхозда бу йил пахта майдонларининг бир қисми кўндалангига ва бўйига қараб механизация блан ишланиши керак. Бу ишда тракторчилар айниқса яхши хизмат кўрсатмоқдалар. Тракторчилардан Носир Жумабеков 8 гектар ўрнига ҳар куни 14—15 гектар ерни культивация қилмоқда. Шунингдек, ўртоқ Жумабеков блан мусобақалашаётган ўртоқ Қодир Шодиев ҳам барча кўрсаткичлар бўйича ўз мусобақадошидан қолишмаётир. Улар мавсумда 1400—1500 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олганлар. Ҳозиргача илғор универсалчилар ҳар 200—220 гектардан ердаги ғўзани кўндалангига ва бўйига қараб ишлаб бердилар.

Ж. ҲАКИМОВ.

Ғўзани сифатли парвариш қилаётирлар

Сирдар'ё районидаги Каганович номли колхоз а'золари механизаторлар блан ҳамкорликда иш олиб бориб, яганалашни тамомлаш ва ғўза қатор оралариni ишлашни намунали ўтказиш учун астойдил курашмоқдалар.

Колхозанинг Раҳматов ва Эркабоев ўртоқлар бошлиқ илғор бригадалари ғўзанинг биринчи комплекс парваришини сифатли тамомладилар. Юқори ҳосилли звеноларга бошчилик қилаётган Суяр Хусанов, Нишонота Қурбонов ва бошқа звеноларнинг ғўзалари ҳозирданоқ 2—3 тадан чинбарг чиқарди. Звено а'золаридан Инобат Қурбонова, Холиқул Ҳамроқулов, Кенжа Абдушукуров ва Бозорхон Эргашевлар ягана ва чопиқда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

МТСда янги қурилишлар

«Средазжилстрой» коллективи подрядчилик шартлари блан Тошкент областининг Сирдар'ё районидаги иккинчи МТСда қурилиш ишлари олиб бормоқда. Темирйўлчилар механик мастерскойи, тракторлар, комбайнлар ва тахта теріш машиналарини сақлаш учун бостирмалар қуриш ишларини графикда белгиланган тез бажармоқдалар.

Қишлоқ механизаторлари учун маданий-маиший муассасалар бинолари ва икки квартирали обод уй-жойлар қурилаётир. МТС ходимлари 900 квадрат метр янги уй-жой майдонига эга бўладилар. Винокорлар механизаторларнинг заказини муддатидан илгари — Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунигача бажаришга қарор бердилар. (ЎзТАГ)

Болаларнинг ёзги дам олиши учун тайёргарлик

Гулистон район ижроия комитети пионер лагерьлари ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Районда 3 та пионер лагери ташкил қилинади. Бу лагерьлар райондаги Чернишевский номли 2-нчи ўрта мактаб, Максим Горький номли 1-нчи ўрта мактаб ва 5-нчи еттийиллик мактаблар қошида очилади.

Ҳозир бу лагерьларни керакли асбоб-ускуналар блан та'минлаш ишлари олиб борилмоқда. Лагерьларда 600 дан ортиқ пионер ва ўқувчилар кўнгилли дам оладилар.

Т. РУЗИЕВ.

Кўчма дўконлар

Сирдар'ё район матлубот союзининг сельпоси пахтакорларга маданий-маиший хизматни тобора яхшиламоқда. Сельпода яқинда 3 та кўчма дўкон ташкил этилди. Кўчма дўконлар турли озиқ-овқат, саноат ва кенг истеъмол моллари блан етарли даражада та'мин этилди. Шу кунларда бу кўчма дўконлар Тарас Шевченко номли, Маленков номли, Охунбобоев номли ва «Партконференция» колхозларининг узоқ бригадаларида чой, совун, туз, гугурт ва турли газлама ҳамда оёқ кийимлари блан савдо қилмоқдалар. Бундай тадбир пахтакорларни зарур истеъмол моллари блан та'минлашга ва иш вақтидан унумли фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Э. РАҲМОНОВ.

Нининг бахти

ОЧЕРК

ОҒИР КУНЛАР

1941 йил, июнь. Винница шаҳри остоналарида, обод қишлоқларда гитлерчи босқинчиларнинг бомбалари портлайбошлади, Бекобод ва Петров ўртоқларнинг, Гулистон районидаги 2-нчи «Далварзин» совхозининг директори ўртоқ Руцкийнинг ҳисоботларини эшитиб, Ўзбекистон КП область комитети мазкур совхозларнинг директорлари ва партия ташкилотларининг секретарьлари ўз ишларида жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйганликларини ва бунинг натижасида совхозларда ғўза ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришини қониқарсиз бораётир, деб та'кидлайди.

Областьдаги бирқанча совхозларда, чунончи 16 ва 17-нчи совхозларда, 3-нчи «Боёвут», Бушуев номли 10-нчи совхоз ва бошқа совхозларда чигитни биртекис ундириб олиш айниқса ёмон аҳволда. 15 майгача 2800 гектар майдонда чигит мутлақо унib чиқмаган, анчагина ерда чигит сийрак унган.

Кўп жойларда ердаги намнинг етарли бўлмаганлиги чигитнинг биртекис унib чиқмаслигига сабаб бўлмоқда, лекин шунга қарамай совхоз директорлари, бўлимларнинг бошқаручилари ва агрономлар чигит суви бериш учун зарур чораларни кўрмаётирлар.

Ғўзани яганалаш жуда суст бораётир. Машиналар блан яганалаш плани 15 майгача атиги 57,4 процент бажарилган. Қатор оралариni ишлашда фойдаланилмаётир. Бундан ташқари, бирқанча тракторларнинг айрим қисмлари синиб қолганлиги ва тузатилмаётганлиги туфайли улар бекор турмоқда ва кундалик ишлар бажарилмаётир.

Ғўзани озиқлантириш ва ўсиш даврида суғориш ишлари айниқса 3-нчи «Боёвут», Сталин номли 17 ва 16-нчи совхозларда, 3-нчи «Далварзин» совхозида ва 10-нчи совхозда жуда секинлик блан бораётир.

Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда профилактик тадбирлари яхши амалга оширилмаётир. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг пайдо бўлиши пухта текширib турилмайди ва зарарланган участкаларни дорилаш ишлари қониқарсиз аҳволда.

Чигитнинг кечикib экилганлиги ва унинг биртекис унib чиқмаётганлиги, қатор оралариni ишлашнинг кечикib кетаётганлиги ғўзани ривожланишдан қолдирмоқда. Бу эса мўл ҳосил тўпланишини ҳамда унинг эрта етилишини хавф остида қолдиради.

Меҳнат қониқарсиз ўюштирилганлиги натижасида айниқса 16 ва 17-нчи совхозларда ҳамда 3-нчи «Боёвут» совхозида меҳнат интизоми ҳали ҳам яхши эмас.

Совхозларнинг кўпчилигида шу вақтг

КЕЧА МАКТАБЛАРДА ИМТИҲОНЛАР БОШЛАНДИ



Мактабларда синфдан-синфга кўчиш ва мактабни тамомлаб чиқиш имтиҳонлари бошланди. **Суратда:** (чапда) Киров районидаги Сталин номли 9-нчи мактабнинг V синф ўқучилари имтиҳондан кейин, (ўнгда) X синф ўқучилари адабиётдан иншо ёзмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Имтиҳонларнинг биринчи кунида

Имтиҳонлар бошланадиган соат яқинлашмоқда. Мактаб саҳни бўйинларига қизил галстук тақиб олган ва бир формада кийинган катта-кичик ёшдаги қизлар блан тўлди. Улар имтиҳонларнинг бошланишини зўр иштиёқ блан кутмоқдалар ва ўзаро хушчақчақ суҳбатлашмоқдалар.

Мана, имтиҳонлар бошланганлиги тўғрисидаги биринчи қўнғироқ янгради. Бугун имтиҳон ўтказиладиган синфларнинг ўқучилари бирин-кетин мактаб эшигидан ичкарига кирдилар ва уларнинг бир қисми зиналар орқали бинонинг юқори қаватига кўтарилдилар. Бирнеча минут ўтар-ўтмас каридорларда жимжитлик пайдо бўлди.

Мактаб каридорлари шинам безатилган. Деворларда партия, ҳукумат раҳбарларининг портретлари, фото-газета, мактаб ва синфлар бўйича чиқадиган деворий газеталарнинг имтиҳонларга бағишланган янги сонлари ҳамда имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишга ундовчи чақириқлар осилиқ. Ҳаммаёқ саранжом ва озода. Эшикдан кираверишдаги каридорда қўлига қизил алвондан навбатчилик белгиси тақиб олган ёшгина бир аёл ўқитучи бу ерда тартиб ва осойишталикни кузатиб турмоқда.

Эрталаб роса соат 9 да имтиҳон бошланганлиги тўғрисида берилган иккинчи қўнғироқдан кейин X синфда адабиётдан иншо ўтказиладиган синф ҳонасига имтиҳон комиссиясининг а'золари кириб келдилар. Қизлар уларни ҳурмат блан қарши олдилар. Имтиҳон бошланди. Адабиёт ўқитучиси ўртоқ У. Салоҳиддинов қисқача тушунтиришдан сўнг иншо темаларини доскага ёзиб қўйди. Ўқучилар «М. Горькийнинг «Изергиль кампир» ҳикоясидаги Данко ва Ларро образларига характеристика», «Ҳ. Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши давридаги ижоди. «Россия» ше'рининг анализи», «Уйғунинг «Ҳаёт қўшиғи» драмаси. Драмадаги Комилжон, Қодир ва Миша образларига характеристика» деган темаларда иншо ёздилар. Уларнинг дастлабки топшириқлари иншолари, танланган темаларнинг изил баён қилиниши, жумлаларнинг равонлиги ва мазмундорлиги блан диққатга сазовордир. Йил бўйи фанлардан «яхши» ва «а'ло» баҳо олиб келган ўқучилардан Солия Турсунхўжаева, Муҳайё Асамова, Рихси Тошхўжаева, Ойтиҳа Исматуллаева, Мунира Абдуваҳобоваларнинг ёзма ишлари юқори баҳо олди. X синфдаги 32 қиз имтиҳонга тўлиқ қатнашди.

Шу куни мактабнинг 2 та IX синфида алгебрадан ёзма, 2 та V синфида арифметикадан оғзаки, 3 та IV синфида она тилидан ёзма имтиҳонлар ҳам яхши натижалар блан якунланди. IV синфларда имтиҳонга киритилган 100 та ўқучининг ҳаммаси она тилидан ёзма имтиҳонни муваффақиятли топширдилар.

Имтиҳонларнинг дастлабки натижалари мазкур фанлардан йил бўйи дарс бериб келган ўқитучиларнинг ўз бурчлари устида юксак жавобгарликни ҳис этиб, ўқучиларга фан асосларини чуқур ва мустаҳкам қилиб берганликларини кўрсатади. Бу ўринда айниқса адабиёт ўқитучиси У. Салоҳитдинов, республикада хизмат кўрсатган ўқитучи К. Хўжаев, арифметика ўқитучиси М. Фозилова ўртоқларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Сталин районидаги 59-нчи қизлар ўрта мактаби (директори Г. Вильдонова)да имтиҳонларнинг биринчи куни уюшқоқлик блан ўтди.

Шубҳа йўқки, мактаб коллективи имтиҳонларнинг биринчи кунида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, ўқув йилини яхши кўрсаткичлар блан якунлайди.

А. ШЕРМУХАМЕДОВ.

Уюшқоқлик блан

Имтиҳонлар бошланган биринчи кун байрамдагидек кийинган ва қўлларида гулдасталар кўтарган турли ёшдаги ўғил-қиз болалар ўз қадрдон мактаблари томон бормоқдалар. Улар имтиҳонларда йил бўйи мактабда ўқиб олган билимларини намойиш қилиб кўрсатадилар.

Сирдар'ё районидаги Молотов номли ўрта мактаб ўқучилари имтиҳонлар бошланишидан анча олдин мактабга келдилар ва ўз меҳрибон ўқитучиларига гулдасталар тақдим этдилар.

Имтиҳон бошланганлиги тўғрисидаги қўнғироқ чалинганда ҳамма ўқучилар ўз синфларида бўлдилар. Мактабнинг X синфларида адабиётдан иншо ўтказилди. Бу синфларда имтиҳонларга киритилган 74 ўқучи М. Горькийнинг «Она», А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романлари ҳақида ва «Пушкин озодлик куйчиси» деган темада иншо ёздилар. X «А» синф ўқучиларидан А. Аббосов, Л. Саркисян, IX «Б» синф ўқучилари В. Газадаева ва В. Шигайнинг топширган иншолари фикрларининг тўлалиги ва жумлаларнинг пишиқлиги блан имтиҳон комиссияси а'золарининг диққатини жалб этди.

IV «В» синфидаги 29 ўқучи «Ёзда дар'ё бўйида» деган темада диктант ёзиб, уларнинг кўпчилиги юқори баҳо олдилар. Шунингдек IV «Б» синф ўқучилари ҳам имтиҳондан муваффақиятли ўтдилар. Мактабнинг бошқа синфларида биринчи куни ўтказилган имтиҳонларга ўқучилар уюшқоқлик блан қатнашдилар.

Райондаги Т. Шевченко номли 3-нчи еттийиллик ва Навоий номли 5-нчи ўрта мактабларда ҳам биринчи кунги имтиҳонлар яхши натижалар блан якунланди.

Б. ХАЛИЛОВ.

Дастлабки натижалар

Эрта соат 7. Қуёш эндигина уфқдан бош кўтариб чиқмоқда. Қалблари шодлик ҳислари блан тўлиб-тошган юзларча ўқучилар байрамдагидек безатилган жонажон мактаб қучоғига кириб келдилар. Улар биринчи имтиҳон блан бир-бирларини табрикладилар.

Орадан кўп вақт ўтмай, имтихон топширучи синф ўқучиларининг юз процент йиғилганлиги ма'лум бўлди. Мактаб залини янгратиб юборган электр қўнғироқ имтиҳонлар бошланишидан дарак берди. Пионер ва ўқучилар имтихон хоналарига кирабошладилар.

Мана, X синфларнинг ўқучилари. Уларнинг қалби етуклик аттестатига эга бўлиш орзуси блан тўлиб-тошган. Адабиёт ўқитучиси ўртоқ С. Караматов иншо темаларини доскага ёзиб қўйди. Қўлдаги ручкалар оқ қоғоз бетида шитирлайбошлади. А'ло баҳолар блан ўқиб келаётган Голиб Мусохонов драматург Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмасидаги ижобий образларга характеристика ёзиб, иншони биринчи бўлиб топширади. А'лочи ўқучилардан Мирҳалил Мирҳамидов, Эркин Тўлаганов, Тал'ат Шамсиевлар ҳам дастлабки имтиҳонни биринчилар каторида муваффақият блан тугатишди. Қўшни хонада 5-нчи синф ўқучилари арифметика фанидан оғзаки имтиҳон топширмоқдалар. Улардан Мунира Довидова, Афифа Ну'монова каби кўп пионерлар «5» баҳо олишга муваффоқ бўлди.

4-нчи «Г» ва 4-нчи «А» синф ўқучилари биринчи марта имтиҳон парталарида ўтирибдилар. Улар ўз ўқитучилари Н. Абдуллаева ҳамда М. Собировалар ўқиётган «Мен машинист бўламан» сарлавҳали диктант текстини берилиб тинглямоқдалар. Ўқучилардан М. Аҳмедова, Х. Каримова, Э. А'замовлар ёзаётган текстлар ўзининг хуснихатлиги, имло хатосизлиги блан киши э'тиборини жалб қилади.

9-нчи «А» ва 9-нчи «Б» синф ўқучиларининг деярлик ҳаммаси соат 12 га етмасданоқ алгебрадан ёзма ишларини топшириб бўлдилар.

Москва районидаги 75-нчи мактабда кеча ўтказилган биринчи имтиҳонлар ўзининг юксак натижаларини берди. Ўқучилар галдаги имтиҳонларга янада пухта тайёрланиш иштиёқи блан қайтдилар.

Н. ОРИФЖОНОВ.

Пухта тайёргарлик самараси

Олдинги қатордаги парталардан бирида ўтирган X синф ўқучиларидан Т. Лутфуллаева бир дақиқа ўйланиб қолди. Ма'нодор ва ўйчан кўзларини бир нуқтага тикди-да, нималарнидир ўзича шивирлади. Бу вақт унинг кўз олдида Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмасидаги Комилжон, Қодир ва Миша образларида Улуғ Ватан урушининг қизғин йиллари, жанговар қўшинларимизнинг душманга зарба беришдаги маҳорати, бирдамлиги ва жасорати, СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, мақсадга интилишдаги оптимистик руҳ яққол гавдаланди. Сўнгра унинг хаёлидаги фикрлар бир марказга уйғунлашдида, қўлидаги рўяка оппоқ қоғоз устида енгил ҳаракат қилабошлади.

Фикрлар кетма-кет қуйилиб келмоқда. Қоғозга тушаётган ҳарбир сўз сатрларни, сатрлар эса абзацларни тўлдириб бормоқда...

Шу тарика уч соатлар чамаси вақт ўтди. Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги Улуғбек номли қизлар ўрта мактабининг X синфида адабиётдан ўтказилган ёзма имтиҳоннинг биринчи даврасі охирига етди. Шундан сўнг бироз вақт ўтар-ўтмас унинг иккинчи даврасі — оққа кўчириш процесси бошланди. Имтиҳонларга киритилган 38 қизнинг ҳарбири бирин-кетин ёзма ишларини тамомлаш ва топширишга киришдилар. Етуклик аттестати учун иншо ёзган ва биринчи бўлиб топширган Т. Лутфуллаева, Т. Одилова, М. Мирсаидова, М. Ғиёсова каби ўқучиларнинг бажарган ишлари чуқур мазмундорлиги, гоят саводли ёзилганлиги, озодалиги блан имтиҳон комиссияси а'золарининг э'тиборини ўзига тортди ва уларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Бундан ташқари, имтиҳонларнинг биринчи куни — 20 майда мактабнинг 4-нчи синфларида она тилидан ўтказилган ёзма ва 5-нчи синфларида арифметикадан ўтказилган оғзаки имтиҳонлар ҳам ана шундай муваффақиятли якунланди. Айниқса 9-нчи синфларда алгебрадан ўтказилган ёзма имтиҳонлар жуда яхши натижалар берди. Биргина 9-нчи «А» синфи бўйича имтиҳонларга киритилган 25 ўқучидан 5 киши а'ло, 7 киши яхши баҳо олди. Бу ўринда Т. Обидова, М. Мирҳамидова, Ф. Абдураҳмонова ва О. Файзиева томонидан бажарилган ёзма ишларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Мактаб коллективи бу каби муваффақиятларга осонлик блан эришмади. Мактаб коллективи йиллик имтиҳонларга олдиндан пухта тайёргарлик кўрди. Ўқучиларнинг дарс тайёрлашлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилди, уларнинг мустақил ўқишлари устидан назорат қилиб туручи навбатчи ўқитучилар белгиланди. Мактабда махсус дарс тайёрлаш хоналари ажратилди ва яхшилаб жиҳозланди. Планли ва системали равишда консультациялар уюштирилди. Имтиҳонларга тайёргарлик кўриш даврида бирқанча ташкилий ва тушунтириш ишлари олиб борилди, ота-оналар комитетининг активлиги ҳарқачонгидан кўра оширилди. Турли темаларда пионер сборлари ўтказилди. Шунингдек, имтиҳонларга тегишли ўқув қуроллари, папка ва иш қоғозлари, хоналар ўз вақтида тайёрлаб қўйилди. Бу тадбирларни амалга оширишда А. Зуннунов, М. Аҳмедова, И. Нишонов, М. Аҳмедов каби ўқитучилар мактаб дирекцияси (директори Қ. Обидова, илмий бўлим мудири У. Мўминов ўртоқлар)га яқиндан ёрдам бердилар ва бошқаларга намуна бўлдилар.

Ҳозир мактаб коллективи эришилган дастлабки муваффақиятларни тобора мустаҳкамлаш тадбирларини белгиламоқда. Қолган имтиҳонларнинг ҳам юқори кўрсаткичлар блан якунланиши учун курашмоқда, барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга интилмоқда.

Ш. ТОҲИРОВ.

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 19 май. (ТАСС махсус мухбири). Бугун ёпиқ мажлисда тўққиз делегация Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом этдирдилар.

Келгуси ёпиқ мажлис 21 майда бўлади.

Жанва кенгаши теварагида

ЖАНВА, 19 май. (ТАСС махсус мухбири). 9 мамлакат делегациялари Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани ёпиқ мажлисларда муҳокама қилишни давом этдирмоқдалар. Шунга қарамай, ба'зи ғарб газеталари ва агентликлари кеча ҳам, бугун ҳам бу мажлислар ҳақида муфассал ҳисоботларни э'лон қилдилар. Бу ҳисоботларнинг тенденциоз руҳда ёзилганлиги кўзга ташланиб турибди. Бу «ҳисобот»ларнинг мақсади жамоатчилик фикрини чалғитишдан, Ҳинди-Хитой масаласини Ҳинди-Хитойдаги барча халқларнинг миллий ҳуқуқларини э'тироф қилиш асосида ҳал этишга интилаётган делегацияларнинг позициясини бузиб тасвирлашдан иборатдир.

Франциядаги Франс Пресс агентлиги 17 майда бўлган биринчи ёпиқ мажлисдан кейин бир хабар э'лон қилди, бу хабарда, совет делегациясининг бошлиғи В. М. Молотов гўё «Лаос ва Камбоджа тўғрисидаги масалаларни Вьетнам тўғрисидаги масаладан ажратиш проблемасини ўртага қўйди» деб да'во қилинади.

Француз агентлиги мухбирининг бу бема'ни да'воси Жанва кенгашида ҳозир бўлган ва кўпни кўрган четэл журналистларини ҳам таажжубга қолдирди. СССР ва Хитой Халқ Республикаси вакилларининг ялпи мажлисларда сўзлаган нутқлари ҳамманинг эсидадир. Бу нутқларда Франция, АҚШ делегациялари, шунингдек Лаос ва Камбоджа қўғирчоқ ҳукуматлари делегацияларининг Кхмер ва Патет-Лао тўғрисидаги масаласини Вьетнам тўғрисидаги масаладан ажратишга уриниб келтирган «далиллари» соҳта ва асоссиз эканлиги фош қилинган эди. Ма'лумки, Вьетнам, Кхмер ва Патет-Лао давлатлари географик жиҳатдан бир бутун бўлиб, ҳамма соҳаларда бир-бирлари блан яқин муносабатда бўлиб келмоқдалар. Ҳинди-Хитойдаги бу уч давлатнинг халқлари миллий озодлик учун олиб борилаётган курашда яқин ҳамкорлик алоқалари блан боғлангандир. Ма'лумки, Кхмер халқининг ҳоҳиш-иродасини ифода қилаётган Кхмер қаршилик кўрсатиш ҳукумати бу мамлакат территориясининг анча катта қисмини контроль қилиб туради, бу территорияда демократик ислоҳатларни муваффақият блан амалга оширмоқда. Патет-Лаода аҳолининг кенг табақалари қаршилик кўрсатиш ҳукумати ва мамлакат территориясининг анча катта қисмини контроль қилиб туради, бу территорияда демократик ислоҳатларни муваффақият блан амалга оширмоқда. Патет-Лаода аҳолининг кенг табақалари қаршилик кўрсатиш ҳукумати бу мамлакат территориясининг анча катта қисмини контроль қилиб туради, бу территорияда демократик ислоҳатларни муваффақият блан амалга оширмоқда. Шунга қарамай, ба'зи ғарб газеталари ва агентликлари кеча ҳам, бугун ҳам бу мажлислар ҳақида муфассал ҳисоботларни э'лон қилдилар. Бу ҳисоботларнинг тенденциоз руҳда ёзилганлиги кўзга ташланиб турибди. Бу «ҳисобот»ларнинг мақсади жамоатчилик фикрини чалғитишдан, Ҳинди-Хитой масаласини Ҳинди-Хитойдаги барча халқларнинг миллий ҳуқуқларини э'тироф қилиш асосида ҳал этишга интилаётган делегацияларнинг позициясини бузиб тасвирлашдан иборатдир.

Лаос ва Камбоджа тўғрисидаги масалани Вьетнам тўғрисидаги масаладан ажратиб муҳокама қилиш керакми ёки ажратмасдан бирга муҳокама қилиш керакми деган масалада турли делегацияларнинг позициясига доир фактлар ана шундай. Бу фактлар ҳаммага ма'лум, шу сабабдан француз агентлиги мухбирининг фактлар блан бир ҳилда, вазминлик блан айтганда, ўз истаганича эркин муомала қилиб, «Лаос ва Камбоджа тўғрисидаги масалани Вьетнам тўғрисидаги масаладан ажратиш» ҳақидаги таклифни совет делегациясига тўнкаганлиги ҳаммани таажжубда қолдирди.

Брок жамоатчиликни чалғитиш ишқивозлари тинчимаётирлар. Бу гал гап Рейтер агентлигининг обзорчиси Стэнли Приддл ҳақида бораётир. Приддл кенгашнинг 18 майда бўлган ёпиқ мажлиси ҳақида Жанвадан берган ўз хабарида, «совет ташқи ишлар министри Вячеслав Молотовнинг Лаос ва Камбоджа масаласини умумий сиёсий масала блан бирликда ҳал этиш тўғрисида Вьетминнинг талабини жуда қўллаб-қувватлаб чиққанлиги ғарбий делегацияларни таажжубга (!) солди» деб кўрсатади. Фактлар блан бирмунча таниш бўлган ҳарбир кузатучи бу хабарни ўқигач: хўш, ғарбий делегациялар нега «таажжубда қолди?» деб сўрашга ҳақлидир. Инглиз мухбири ҳам бу «таажжубланишни» ўз француз шеригининг 17 майдаги хабарида қилганидек жамоатчиликни чалғитиш мақсадларида тўқимадимикан?

Ҳинди-Хитой масаласи юзасидан бўлаётган кенгашда СССР, Хитой Халқ Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикаси вакиллари масалани Ҳинди-Хитойдаги ҳамма уч давлатнинг ҳам қонуний манфаатларини назарга олиб, ҳал этишни талаб қилмоқдалар. Бу уч делегациянинг позицияси равшан. Бу ҳақда қайта-қайта айтилди ва уни Ҳинди-Хитой масаласининг тинч йўл блан ҳал этилишини чинакам ёқлаб чиқаётган ҳамма киши қўллаб-қувватламоқда. Ана шунинг учун Жанва мажлисларида Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилаётган вақтда амалда нималар бўлаётганлиги ҳақида жамоатчилик фикрини чалғитиш йўлидаги ҳарқандай уринишларнинг муваффақият қозонишига умид боғлаб бўлмайди.

«БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ДЎСТЛАРИ АССОЦИАЦИЯЛАРИ ЖАҲОН ФЕДЕРАЦИЯСИ» ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

ЖАНВА, 19 май. (ТАСС). Кеча «Бирлашган Миллатлар дўстлари ассоциациялари жаҳон федерацияси»нинг ижроия комитети Жанва кенгаши раисларидан бири Ван Вайтхаяконга мурожаат топширди. Бу мурожаат мазкур ташкилот ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида бир овоздан қабул қилинган.

Мурожаатда айтилишича, «Бирлашган Миллатлар дўстлари ассоциациялари жаҳон федерацияси»нинг ижроия комитети федерация ўз вакилатхоналарига эга бўлган мамлакатлардаги ҳамма халқларнинг қизғин истак-орзуларини ифода қилиб, Осиё масалалари юзасидан Жанва кенгаши чақирилишни табриклайди (чунки бу халқаро вазиятдаги кескинликни камайтириш йўлида муҳим қадамдир) ва кенгашга ўз ишини муваффақиятли тамомлашни чин қалбидан тилайди».

Мурожаат барча манфаатдор давлатларни, «Осиёдаги барча халқлар ўз тақдирларини ўзлари ҳал этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари»га интилишга чақиради. Мурожаат Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Осиёдаги ҳамма мустақил давлатларни қабул қилиш йўли блан «Осиёда Бирлашган Миллатларнинг ролини кучайтиришга»; Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг БМТда Хитой вакили бўлишини та'минлашга; БМТ механизмидан барча давлатларни «агрессиядан ва уларнинг ички ишларига ташқаридан бўладиган аралашувдан» ҳимоя қилиш учун фойдаланишга ва «Осиёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ёрдам беришга, шунингдек бу мамлакатларнинг ҳамкорлигига ёрдам беришга» чақиради.

Америка нефть тозалаш заводида ёнғин

ПАРИЖ, 19 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Норуокдан (Калифорния) хабар беради: «Ротшильд ойл компани» нефть тозалаш заводида портлаш натижасида ёнғин чиқди. Нефть сақланадиган 8 та катта резервуар аланга ичида қолди.

Бирқанча ишчилар ўт ўраб олган завод биносида турибдилар. Ўт ўчиручилар иссиқнинг ниҳоят кучли бўлганлиги сабабли бино яқинига бораолмаётирлар.

Жанубий Кореяда сайловолди террори

ШАНХАЙ, 19 май. (ТАСС). Хабарларга қараганда, Жанубий Корея «миллат мажлиси» деб аталган мажлисга бўладиган сохта «сайлов» муносабати блан лисинманчи ма'мурлар полиция террори ва жазо чоралари режимини ўрнатганлар. Лисинманчилар «сайлов» муносабати блан Жанубий Кореянинг бутун территориясида фавқулодда ҳолат жорий қилганлар ва полицияни тайёр ҳолга келтирганлар.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг Сеулдаги мухбири берган хабарига кўра, полиция сайловчиларни лисинманчилар кўрсатган кандидатлар учун овоз беришга мажбур этмоқда ва лисинманчиларга ёқмаган кишиларни тюрьмага ташламоқда. Юнайтед Пресс агентлигининг Сеулдаги мухбири берган хабарга қараганда, оппозиция томонидан кўрсатилган кўп кандидатлар полициянинг дўқ қилиши ва аралашуви сабабли ўз кандидатураларини қайтиб олишга мажбур бўлганлар.

Юнайтед Пресс агентлигининг мухбирининг хабар беришича, хатто Америкининг Сеулдаги юқори мансабдаги шахслари ҳам Ли Син Ман томонидан қилинаётган бу хил бебошлик ва сиёсий найранглар «сайловнинг бурдини кетказиши мумкин» деб э'тироф қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Совет-Корейс авиотранспорт акционерлик жамиятининг ишлари тикланди

ПХЕНЬЯН, 19 май. (ТАСС). Илгари хабар қилинганидек ўтган йилнинг охирида Совет-Корейс авиотранспорт акционерлик жамияти (СОКАО)нинг ишларини тиклаш тўғрисида протокол имзоланган эди. Ана шу протоколга мувофиқ ҳозирги вақтда Пхеньян-Мунден-Цицикар-Хайлар-Чита маршрути бўйича транспорт самолётлари учабошлади.

Венгрия Халқ Республикасининг меҳнаткашлари Венгрия меҳнаткашлар партиясининг 3-нчи с'ездини меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш блан кутиб олишга тайёрланмоқдалар

БУДАПЕШТ, 19 май. (ТАСС). «Ганц» вагон-машинасозлик заводининг коллективи Венгрия меҳнаткашлар партиясининг учинчи с'ездини меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш блан кутиб олишга қарор қилди. Юзларча корхоналар, шу жумладан Татабань, Печь, Комлош, Боршод шахтёрлари, Оздь ва Диошдьер металлурглари, Сталинварош ва Казинцбарцик қуручилари, «Киштекст» тўқимачилик фабрикасининг, «Дуна» пойафзал фабрикасининг ходимлари ва бошқа кўп корхоналарнинг ходимлари бу ташаббусга қўшилдилар.

Венгрия касаба союзлари советининг президиуми мамлакатнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Англия паровоз машинистлари ва кочегарларининг забастовкаси

ЛОНДОН, 19 май. (ТАСС). Англия матбуоти хабар беради: мамлакатдаги бирқанча йирик темир йўл узели паровоз машинистлари ва кочегарларининг забастовкаси натижасида 18 май куни Лондонни Жанубий Уэльс блан боғлайдиган линияларда товар поездларининг ҳаммаси юрмай қолди. Забастовка бирқанча графиклар блан нормал темир йўл алоқасини тўла равишда издан чиқарди.

Иш ташлаганлар паровоз машинистлари ва кочегарларининг бирлашган касаба союзининг расмий раҳбарлиги томонидан қўллаб-қувватланмаётганлигига қарамай ма'муриятнинг меҳнат шароитини ёмонлаштирадиган бирқанча янги қоидаларни жорий қилиш йўлидаги уринишларга қарши охиригача курашишга қарор қилдилар. Касаба союз раҳбарлигининг ҳисобига қараганда, 18 майда иш ташловчиларнинг сони 3 минг кишига кўпайган.

СУД

Ўғрилар жазоланди

Минулла Гаязов, Николай Максимов ва Йўлчи Тўйчиевлар амнистия блан қамоқдан қайтиб келганлар ва ҳеч ерда ишламасдан ўғрилик блан шуғулланганлар. Улар Ислом Буркиев ва Роза Чернова деган шахсларни ўз атрофларига тортганлар.

М. Гаязов бошчилигидаги бу шайка Тошкент область Калинин районида ҳаракат қилган. Улар 1953 йил 29 июльга ўтар кечаси Генерал Раҳимов номли колхоз қоровули Қ. Исмоиловни оғир ярадор қилиб, унинг милтигини олиб кетганлар ва бу милтиқдан босқинчилик мақсадларида фойдаланиб келганлар. 1953 йил 1 августга ўтар кечаси шу колхозда туручи Хон Мин Гернинг уйидан мол-мулкини олиб кетганлар. 1953 йил 11 август кечаси Каганович номли колхоз а'зоси Ким Ман Дьюнинг уйига қурол блан бостириб кириб, уни қопга солиб бойлаб қўйганлар ва мол-мулкини олиб кетганлар. 1953 йил 15 август кечаси шу колхозда туручи бева хотин Тўхта Абдуллаевانинг 6580 сўмлик молини ўғирлаганлар.

Тошкент область судининг сайёра ҳай'ати 1954 йил 19—24 апрель кунлари бу босқинчи шайканинг жиноий ишини кўриб, шайка бошлиғи М. Гаязовни 20 йил, И. Максимов ва И. Тўйчиевларнинг ҳарбирини 15 йил муддатга ахлоқ тузатиш ва меҳнат лагерьларига юборишга, мол-мулкларини мусодара қилишга, жазони ўтаб бўлганларидан кейин 5 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга; И. Буркиев ва Р. Черновалларнинг ҳарбайсисини 10 йил муддатга ахлоқ тузатиш ва меҳнат лагерьларига юборишга, мол-мулкларини мусодара қилишга, жазони ўтагач 2 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бинода) — 22/V да **Юрак сирлари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 21/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 22/V да **Муқимий.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 23/V да **Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган концерт.** Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

24/V да **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3, кеч 6-20 ва 8 да янги немис бадиий фильми **Енгилмаслар**, кеч соат 5 да **Илмий-оммабоп фильмлар**, кеч соат 10 да **Парм ибодатхонаси** (2-нчи серия).

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Тайгадаги ҳодиса.**

«ИСКРА» — кеч соат 7-40 минутгача **Енгилмаслар**, кеч соат 8-20 минутдан **Тарас Шевченко.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Тайгадаги ҳодиса**, кечқурун **Маскарад.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Тайгадаги ҳодиса**, кечқурун **Айбсиз айбдорлар.**

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» — **Украина қирларида**, кеч соат 10 да **Тирик мурда** (иккала серия).

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли — **Енгилмаслар.**

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Йўлбарс.**

«ИСКРА» — **Сепли тўй.**

«ХИВА» — **Енгилмаслар.**

ТЕЛЬМАН номли — **Рақс ўқитучиси.**

ПУШКИН номли — **Тоғлар орасидаги застава.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ойбек романи бўйича

Т. Хўжаев инсценировкаси

ҚУТЛУҒ ҚОН

4 пардали драма.

Режиссёр — **Тўла Хўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми — **Ҳамидулла Икромов.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

22 ва 23 майда

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

Ғулом Абдураҳмонов концертлари

Концертларда Ўзбекистон давлат эстрадасининг артистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кеч соат 5 дан очилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142

Р 00524. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1337.